



Кун нафаси

Вазирлар Маҳкамаси маиший техника маҳсулотларини республика ҳудудига ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, маиший техника маҳсулотлари қонуний айланишини таъминлаш мақсадида «Маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.



«AstraZeneca» халқаро биофармацевтика компанияси ва «Meros Pharm» дистрибуторлик компанияси Ўзбекистон ҳудудига ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзолади.



«Лухтак» Тожикистон давлат кўғирчоқ театри ижодий сафар билан Фарғона вилоятига келди.



Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси билан Италия от спорти федерацияси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.



Жорий йилнинг 7-8 май кунлари Бойсун туманидаги хушманзара Паданг қишлоғида «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
5 апрель
сешанба
№ 43
(4639)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

«Аёллар дафтари»:

УЧИНЧИ БОСҚИЧ – ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган видеоселектор ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, вазирилик ва идоралар раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари иштирок этди.

Кун тартибиде «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизимининг учинчи bosқичида амалга оширилаётган ишлар ҳамда Кооперация усулида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва оммалаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий

йилнинг 1 март кунин хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида ўтказган видеоселекторда аёллар муаммоларини ўрганиш ва уларга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида муҳим масалаларни белгилаб берган эдилар. Ва шу куннинг ўзиде 2 та муҳим ҳужжат – «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ҳамда «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекдилар.

> 2



Бухоро вилояти

Қозоғистон нефть ва газ саноати касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси делегацияси Бухоро вилоятида бўлди. Ташрифдан қўзланган асосий мақсад турдош касаба уюшмалари билан алоқаларни ривожлантириш ҳамда ўзаро тажриба алмашишдир.

Халқаро ҳамкорлик

Қозоғистон делегацияси Бухорода

Қозоғистон нефть ва газ саноати касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси раиси Елена Мустафина, «Камунай бургулаш» МЧЖ СБП касаба уюшма қўмитаси раиси Кайрат Баймаганбетов ҳамда Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмасининг Республика кенгаши халқаро алоқалар бўлими мудири Собир Эгамбердиевлардан иборат гуруҳнинг дастлабки манзили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бўлди.

Бу ерда делегация аъзолари ишчи-ҳодимлар саломатлигини муҳофаза қилиш, манфаатларини ҳимоялаш, касб касалликларига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Шунингдек, асосий ишлаб чиқариш цехи, завод марказий таҳлилхонаси, тадқиқотлар таҳлилхонасининг янги биноси ҳамда хизмат кўрсатувчи ошхоналар, сут маҳсулоти тарқатиш маскани фаолияти, ходимларга яратилган шароитлар кўздан кечирилди.

Шундан сўнг делегация аъзолари Федерациянинг Бухоро вилояти кенгашида бўлди. Бу ерда уларга ташкилот фаолияти, «Аёллар дафтари»ни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди.

Учрашувда Бухоро шаҳридаги «Замин мадад тайёрлов савдо» МЧЖ раҳбари, вилоятнинг энг фаол тадбиркор аёли Мамлакат Содиқова ўз тадбиркорлик фаолияти, «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги тажрибаси ҳақида батафсил сўз юритди.

Ташриф якунида меҳмонлар Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саҳаҳат қилишди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»

«ISHONCH» саволи

ҲИСОБ ПАЛАТАСИГА!

МЕХАНИЗМ МУРВАТИ СОЗ... ЭМАС(МИ?)

Мамлакатимизда коррупцияга қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Кунда-кунора қайсидир мансабдорнинг коррупцион ҳолатда қўлга тушайтгани ва бу оммага ошкор этилаётгани сўзимиз исботи.

Таассуфки, шунга қарамай, коррупцион ҳолатлар каммайиш ўрнига кўпайиб бормоқда.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг ўтган йилги бюджет маблағлари масаласига бағишланган ҳисобот ййгилишида 2020 йилда 2,5 мингдан зиёд бюджет муассасида 301 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари талон-тоғроқ қилинган, нархларни сунъий ошириш орқали давлат харидларини амалга ошириш ҳолатлари аниқлангани ҳақида хабар берилган эди.

Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолиятига доир ҳисобот ййгилишида қайд этилганча, 2021 йилда зиммасига юклатилган вазифалар доирасида Ҳисоб палатаси

томонидан 60 та назорат тадбири ва тематик таҳлилий ўрганишлар амалга оширилган. Натижада давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари ҳисобидан ажратилган маблағларнинг сарфланиши бўйича 2021 йилда 338 миллиард сўмлик камомат, ўзлаштиришлар ҳамда самарасиз харажатлар аниқланган.

Рақамлардан кўриниб турибдики, коррупцион ҳолатлар йил сайин ортиб бормоқда. Ваҳоланки, бизда бундай ҳолатларни бартараф этиш учун ташкил этилган таҳлилчилар ҳам бор! Масалан, газначилик тузилмасини олинг.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини табиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий аҳборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида таркиб топан газначилик қўллаб-вазифалар қаторида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчиларнинг Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджет ва мақсадли давлат жамғармалари маблағлари ҳисобидан товар (иш, хизмат) лар етказиб берувчилар билан шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга мувофиқ равишда тузилиши устидан назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан утказиш;

бюджет ташкилотларини, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтирилаётган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш устидан мониторингинг амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда воси-



«азоб» эканини кўп эшитганмиз. Аммо...

Юқоридаги коррупцион рақамларда газначиликдаги мутасаддиларнинг заррача айби йўқ деган гапга ишониш қийин. Умуман, айни фаолиятнинг самарадорлиги қанчалик таҳлил қилинмоқда? Мазкур ҳолатларга жавобгарлик борасида ҳам уларнинг «бетаараф» қолиши нечоғли тўғри?

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Самарқанд аҳли тўрт миллионни қоралади. Турли жабҳада ишловчилар сони эса икки миллионлик доvon сари одим-лалаяпти. Минтақада муносиб меҳнат шароитлари қай тариқа асосланмоқда? Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашида ташкил этилган галдаги матбуот анжуманида шулар хусусида сўз борди.

Очиқ мулоқот

РАИС НИМАДАН РАНЖИДИ?

Очиқ мулоқот шаклида ўтган тадбирда иштирокчилар эътибори меҳнат ва меҳнат ҳуқуқи масаласига қаратилди.

– Худудда касаба уюшмалари таснифидан ташқарида фаолият юритаётган салкам ййгирма мингга яқин ҳуқуқий мақомга эга катта-кичик ташкилот бор, – деди кенгаш раиси Суҳроб Рафиқов. – Бу жамоаларда ишлаётган минглаб одамлар меҳнат шароити қандай, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси кимнинг назоратида? Бу борада ҳар чоракда турли субъектларга чиқараётган юзлаб муурожаатларимиз негадир жавобсиз қолиб кетмоқда. Ташвишли бу муаммо нафақат касаба уюшмалари, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ОАВ вакиллари диққат-эътиборида ҳам бўлиши лозим.

Қизгин муҳокамалардан сўнг меҳнат жабҳасидаги ҳаракатларни янада жонлантириш керак, деган хулосага келинди. Жамоат ташкилоти ва журналистлар ўртасида аънанвий ўтказиб келинаётган «Саҳаҳат, зиёрат ва туризм» йўналишидаги пиёда беш минг кадам юриш марафони дастурига ўзгартиш киритилди. Энди саломатлик сафари доирасида йўл-йўлакка касаба уюшмага аъзо бўлмаган муассасалар ходимлари билан учрашувлар, ҳамкорликда ўрганишлар утказишга келишиб олинди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

«Аёллар дафтари»: Учинчи босқич – янги марралар сари



1 Ушбу муҳим ҳужжатлар асосида оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида давлат бошқаруви органи – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлиналари ташкил этилиб, ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

Шунингдек, Президент йиғилишида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 40 дан зиёд янги имтиёз ва имкониятлар яратилиши ва бу ишларни амалга оширишга 15 триллион сўм маблағ йўналтирилиши қайд этилди.

Жорий йилнинг 7 март санасида эълон қилинган «Сила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони эса ана шу имтиёз ва имкониятларни умумлаштирган муҳим ҳужжат бўлди.

– Мазкур фармон билан хотин-қизларнинг мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларида фаоллигини ошириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий дастур ҳам тасдиқланди, – деди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. – Юртимиз тарихида илк бор қабул қилинган мазкур Миллий дастур ёши, ирки, эътиқоди, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, мамлакатимиздаги барча опа-сингилларимизни қамраб олиши билан ўта муҳим аҳамиятга моликдир.

«Аёллар дафтари»нинг 1- ва 2-босқичи доирасида 900 мингга яқин хотин-қизга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам берган эдик. Ушбу ишларга 2 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ўтган йилларда орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Аёллар дафтари» бўйича Вақтинчалик тартибни такомиллаштирдик ва доимий тусга эга бўлган Низом шаклига келтирдик. Шу билан бирга, «Аёллар дафтари» жамғармаси Низомини ҳам ишлаб чиқдик. Бу жараёнда Президент Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, 35 та вазирлик ва идора ҳамда вилоят ҳокимликларидан бевосита 50 нафарга яқин масъул мутахассис иштирок этди. Бундан ташқари, туман ва шаҳар ҳокимларининг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчиларидан соҳага доир таклифлар олинди.

Йиғилиш давомида янги Низомга биноан «Аёллар дафтари»га киритилган айрим ўзгаришлар хусусида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, эндиликда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш бўйича хатлов бир йилда бир маротаба – фақат январь ойида ўтказилади. Низомга киритилган «Индивидуал дастур»да эса «Аёллар дафтари»га киритилган ҳар бир хотин-қизнинг шахсга доир аниқ маълумотлари, унинг бирламчи ва иккиламчи муаммолари, қайси тоифага киритилганлиги ҳақида тўлиқ маълумотлар аниқ ёзиб қўйилади.

«Индивидуал дастур» «Аёллар дафтари»га киритиладиган ҳар бир хотин-қизга кўрсатилади ва унинг розилиги билан тасдиқланади. Шундан сўнг, туман (шаҳар) ҳокимининг оила ва хотин-қизлар бўйича ўринбосари ва тегишли сектор раҳбари томонидан имзоланади.

«Индивидуал дастур» шаклланиб бўлган «Аёллар дафтари»га киритиладиган хотин-қизлар рўйхати ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган «Йўл харитаси»

лойиҳаси тайёрланади.

Ҳар бир сектор раҳбари «Индивидуал дастур», «Аёллар дафтари» рўйхати ва «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритади.

«Индивидуал дастур»нинг яна бир янги томони шундаки, амалий ёрдамлар ҳаққонийлиги доимий назоратда бўлади. Яъни, «Аёллар дафтари»га киритилган ҳар бир хотин-қизга берилган ёрдам унинг «Индивидуал дастур»ида қайд этилади ва ижро учун масъуллар томонидан тасдиқланади.

Йил сўнгида маҳалладаги хотин-қизлар фаоли эҳтиёжманд хотин-қизга унинг «Индивидуал дастур»ини кўрсатади ва у ҳақиқатан ҳам шу ёрдамларни олганлигини тасдиқлагач, у «Аёллар дафтари»дан чиқарилиши мумкин.

Шунингдек, янги тартибга кўра, иш берувчилар «Аёллар дафтари»да турган ишсиз хотин-қизларни ишга қабул қилиб, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича курсларга жалб қилса, иш берув-

чиси тавсияси билан кредитлар берилади.

3-тоифа – боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар ҳамда 4-тоифа – ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг барчасига «Аёллар дафтари» ёки «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан 1 миллион 80 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам берилади.

Уй-жойи таъмирга муҳтож хотин-қизларга сектор раҳбари хулосаси асосида хонадони таъмирлаб берилади. Ҳар бир уй-жойини таъмирлашга «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан 8 миллион 100 минг сўмгача маблағ ажратилади.

5-тоифа – уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга қуйидаги ёрдам турларидан бири кўрсатилади:

– 5 йил муддатга ижтимоий уйларга жойлаштирилади (ижтимоий уй-жой – бу уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олинган уй-жой фонди ҳисобланади).

6-тоифа – қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизларнинг барчасига «Аёллар дафтари» ёки «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан 1 миллион 80 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам берилади.

Бундан ташқари, фарзанди ногирон бўлган аёллар уйдан узоққа кета олмаслигини назарда тутган ҳолда томорқасида иссиқхона қурмоқчи, парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўймоқчи, деҳқончилик

билан шуғулланмоқчи, «Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этмоқчи бўлса, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали ҳоким ёрдамчиси тавсиясига асосан имтиёзли кредитлар берилади.

Видеоселектор давомида кун тартибидagi иккинчи масала – кооперация усулидаги тадбиркорлик фаолиятини оммалаштириш доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Таъкидландики, айти пайтда ушбу йўналишда 73 та йўналишда жами 915 та бизнес лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 45 мингдан зиёд киши доимий иш билан таъминланади, 236 минг нафар аҳоли эса кооперацияга жалб этиш орқали ўз хонадонидан бандлиги таъминланади. Бандлиги таъминланмаган аҳолининг 160 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Йиғилишда бош прокурор ўринбосари Светлана Ортиқова, ички ишлар вазирининг ўринбосари Бекмурод Абдуллаев, солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Сирожиддин Эшматов ва бошқалар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда Президент маслаҳатчиси ўринбосари Олимжон Салиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова «Аёллар дафтари»нинг учинчи босқичида амалга оширилажак ишларни эътироф этиб, барча мутасаддиларни фаолликка чорлади.



Гуломжон МИРАХМЕДОВ, «ISHONCH»

Таъкидландики, айти пайтда ушбу йўналишда 73 та йўналишда жами 915 та бизнес лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 45 МИНГДАН ЗИЁД киши доимий иш билан таъминланади ҳамда 236 МИНГ нафар аҳоли эса кооперацияга жалб этиш орқали ўз хонадонидан бандлиги таъминланади. Бандлиги таъминланмаган аҳолининг 160 МИНГ нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

чиларга ҳар бир ўқитган ходими учун 6 ой давомида ойига 1 миллион 80 минг сўмдан тўлаб берилади.

Агар тадбиркорлар иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирса ва «дафтар»га киритилган ногирон хотин-қизларни ишга қабул қилса, ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун 10 миллион 800 минг сўмдан субсидия ажратилади. Бу харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

Зарур ҳолларда, сектор раҳбарининг хулосаси билан «Аёллар дафтари» ёки «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан 540 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади.

2-тоифа – тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар тадбиркорлик бўйича ўқитилади, кейин 14 фойзлик ставкада уларга 33 миллион сўмгача ҳоким ёрдам-



Саманбар Абдураимов олин сурачлар

Қашқадарё вилояти

Қашқадарё вилояти давлат солиқ бошқармасида 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси муҳокама қилинди.

ИЖОБИЙ БАҲО

Унда иш берувчи ҳамда касба уюшма қўмитаси раисининг ҳисоботлари тингланди.

– 1004 нафар аъзомиз бор, – деди касабакўм раиси Рустам Андаев. – Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар рўйхати шакллантирилган, уларнинг муносабатлари доимо эътиборимизда. Бултур 5 нафар ходимга санаторийга имтиёзли йўлланма

ажратилди, 20 нафар ходимнинг фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди. Қарши туманидаги қадамжоларга, Самарқанд вилоятига саёҳатлар уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги ҳамда солиқ тизими ташкил қилинганнинг 29 йиллигига бағишлаб, минифутбол турнири ташкил этилди. Маънавият-тарғибот

маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда мунтазам равишда «Маънавият соатлари» доирасида турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтиши йўлга қўйилди. Солиқ ходимлари ўртасида «Китобхонлик соатлари» ташкил этилди.

Музокара жараёнида сўзга чиққанлар иш берувчи ва касба уюшма қўмитаси фаолияти ҳамда ижтимоий шерикликдаги ишларга ижобий баҳо беришди.

Ойгул БОТИРОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши мутахассиси

Жамоа шартномаси – амалда



Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ўтказилган умумжамоа йиғилишида маъмурият ва солиқ органлари ходимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси томонидан 2021-2023 йилларга тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши бўйича ҳисоботлари тингланди.

– Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари қафолатланиши, иш ҳақлари ўз вақтида берилиши, умуман, жамоа шартномасининг барча бандлари бажарилиши ташкилотимиз касба уюшма қўмитаси томонидан мунтазам равишда назорат қилиб келинмоқда, – деди вилоят ДСБ бошлигининг биринчи ўринбосари Мардонбек Вафаяев.

Манфаатдорлик таъминланмоқда

Ташкилотда 776 нафар ходим ва хизматчи фаолият юритмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратиш, меҳнат муҳофазаси борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

– Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан сўнгги йилларда бошланғич касба уюшмаси ташкилотларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Аъзолик бадалларининг 50 фоизи бошланғич ташкилотларда қолдирилиши, санаторий йўлланмаларидан оила аъзолари ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлиши, йўлланмалар сотиб олишдаги имтиёзлар, аёл-

лар, ёшлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар учун белгиланаётган ижтимоий қафолатлар сўзимизнинг исботидир, – дейди солиқ органлари ходимлари бирлашган касба уюшма қўмитаси раиси Мақсуд Сапаев.

Ўтган йили касба уюшманин 19 нафар аъзосига санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Ўзга таътил даврида 8 нафар ходимнинг фарзандлари оромгоҳларда дам олдилар. Касба уюшма қўмитаси тавсиясига мувофиқ 11 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Касба уюшма аъзолари жамоа шартномаси асосида амалга

оширилган тадбирлар уларнинг самарали фаолият кўрсатишида муҳим аҳамият касб этаётганидан мамнун эканликларини билдиришди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Шоқир Аллаберганов ижтимоий шерикликнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда жамоа шартномасига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Роман ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти ДСБ матбуот хизмати раҳбари

Қамаши туманида спортсевар педагоглар жуда кўп. Бу 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган «Саломатлик» спартакиадада чоғида яна бир ўз исботини топди.



Феруза АБДУРАҲМОНОВА, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қамаши туман кенгаши раиси

Касба уюшма тадбири ИСБОТИНИ ТОПГАН ҲАҚИҚАТ

Дастлаб ҳудудларда саралаш мусобақалари ташкил этилгани боис беллашувлар кескин ку-

рашлар остида кечди. Спортнинг волейбол (аёллар), стол теннис (эркаклар-аёллар), шахмат-шашка (эркак-аёллар), бадминтон (эркаклар-аёллар) ва минифутбол (эркаклар) турлари бўйича юқори учликни банд этганлар таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қамаши туман кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қамаши туман кенгаши раиси



ЭЗГУЛИК БОҒЛАРИ

Исломи дини доимо табиатни асраб-авайлашга, ноботот ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга, Аллоҳ ота этган ҳар бир неъматдан оқилона фойдаланишга буюриб келган. Чунки нафас олиб турган тирик жон борки, унга азият етказишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Қуръони Каримда бундай марҳамат қилинган: «Ерни яроқли қилиб қўйгандан кейин унда бузғунчилик қилмангиз!» (Аъроф сураси, 56-оят).



Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти бош имом-хатиби

Оламда яратилган барча нарсалар инсон манфаати учун хизмат қилади. Шу боис уларни асраб-авайлаш, зарар етказмаслик, боғу роғлар барпо этиш динимизнинг амри бўлиб, доимо кўчат ўтказишга, экин-тикин ишларига тарғиб қилади. Ҳадиси

нинг амаллар дафтарига ёзилади.

Шу кунларда бундай савобли ишлар юртимизда жаддалик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси эълон қилинди. Унга кўра, келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчат экиш мақсад қилинган. Мазкур лойиҳа доирасида ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатлар танланиб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни кўпайтириш йўлга қўйилмоқда.

Мазкур хайрли ташаббус доирасида шу йил 1 март куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг баёноти қабул қилинди. Баёнотда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг ҳаётиимизда тугган ўрни ҳақида сўз юритилиб, динимиз таълимоти асосида барча юртдошларимизни ушбу тадбирда фаол иштирок этишга чақириб бариб, қишлоқ-овулларимиз, маҳалла-қўйларимизни обод қилиш орқали юртимизни боғу бўстонга айлантириш назарда тутилган.

Ушбу савобли лойиҳада

боғ ташкил этилиб, 1600 туп мевали дарахт кўчати экилди. Боққа кўчат экиш тадбирида вилоятнинг диний соҳада фаолият юритаётган уч авлод вакиллари иштирок этиб, табиат янада кўркамлаштириш учун хизмат қилишини тилаб умид ва дуолар қилдилар.

Пайриқ туманининг Янгибод маҳалласи ҳудудида «Ҳиммат» боғини ташкил этишда Самарқанд шаҳар «Домла Камолиддин» масжиди имом-хатиби Исмаилуло Абсаломов катта ташаббус кўрсатди. Боғ учун ажратилган 5 гектар ер майдони атрофида 2000 туп манзарали арча дарахти ҳамда 1700 туп олма, нок, ўрик, гилос, узум ва шу каби мевали дарахт кўчатлари экилди. Келгусида бу боғнинг меваларини эҳтиёжманд аҳолига тарқатиш мақсад қилинган.

Шунингдек, туман ва шаҳар бош имомлари иштирокида маҳаллабўй ва хонадонлар бўйича аҳоли билан учрашувлар ташкил қилиниб, кўчат экиш ишларининг аҳамияти тушунтирилмоқда. Натижада ҳалқимизда бу эзгу ташаббусга қизиқиш янада ортиб, кўкаламзорлаштириш ишларида кўплаб юртдошларимиз фаол иштирок этишмоқда. Қолаверса, имом-хатиблар ташаббуси билан маҳалла ва гузарлардаги бўш турган жойларга манзарали ва мевали дарахтлар экилаётгани ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Қисқасини айтганда, шу кунга қадар Самарқанд вилояти вакиллиги жойлардаги масжид имом-хатиблари билан ҳамкорликда 10000 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати экишга муваффақ бўлишди. Бу хайрли амаллар шу кунларда ҳам давом этмоқда.

Келажакка бебаҳо сармоя тариқасида йўналтириладиган бу эзгу ташаббус – «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ҳамда инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти юксакдир. Шу боис, муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бу ишлар бир йиллик ёки бир мавсумлик эмас, балки давомий бўлиши лозим. Бу хайрли амаллар бардавом бўлар экан, тез кунларда юртимиз боғу бўстонга айланади, иншаАллоҳ.

Каттақўрғон туманидаги «Абдурахмон ота» масжиди ҳудудида 3200 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилиб, мазкур боққа «Сўфи Оллоёр» номи берилди. Шунингдек, Пастдарғом туманида ҳам лойиҳа доирасида 1000 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилди ҳамда бу боғ «Эзгулик боғи» номи билан атала бошланди.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакиллиги ҳам муносиб иштирок этиб, ҳудудларда амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлмоқда. Вилоятдаги барча масжидлар ҳудудида яшил маконлар ташкил этиш ва кўчат экиш ишлари жадал давом этмоқда. Жумладан, Каттақўрғон туманидаги «Абдурахмон ота» масжиди ҳудудида 3200 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилиб, мазкур боққа «Сўфи Оллоёр» номи берилди. Шунингдек, Пастдарғом туманида ҳам лойиҳа доирасида 1000 туп мевали дарахт кўчати ўтқазилди ҳамда бу боғ «Эзгулик боғи» номи билан атала бошланди.

Пайриқ туманида жойлашган Имом Бухорий мажмуаси ёнида эса «Имом Бухорий авлодлари» номи билан янги

Ўсмирлик ёки ўспиринлик инсон ҳаётининг энг мураккаб паллаларидан бири ҳисобланади. Бу даврда яхши тарбия кўрмаган бола боши берк кўчага кириб қолиши ва кейинги тақдири аянчли кечиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис балоғатга етаётган ҳар бир ўғил-қиз доимо катталар диққат-эътиборида бўлиши шарт. Чунки ўсмирларнинг яхши ё ёмон, уқувли ё уқувсиз, билимли ё билимсиз инсонлар бўлиб ўлғайиши, энг аввало, ота-оналари ва яқинларининг бу борадаги оқилона саъй-ҳаракатларига, қолаверса, «Бир болага етти маҳалла ота-она» деганларидек, ён-атрофидагиларнинг унга нисбатан муносабатига ҳам боғлиқ. Аммо бугунги кунда баъзан болага маҳалла тугул, ҳатто ўз ота-ониси ҳам бегона назар билан қараётган ҳолатларга дуч келаямиз. Унинг салбий оқибатларидан фақат баъзи оилалар эмас, кўпчилик зарар кўраётди. Энг ачинарлиси, тарбияси чатоқ болаларнинг айримлари муштдай боши билан жиноятга қўл уриб, ҳам ўз келажакларини барбод қилишмоқда, ҳам жамият тараққиётига зимдан жиддий пугур етказишмоқда.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили Хоразм вилоятида вояга етмаган 50 нафардан зиёд болалар 40 дан ортиқ жиноят содир этишган. Улар асосан оғир ва энгил тан жароҳати етказиш, ўғрилиқ, безорилиқ каби жиноятларга қўл уришган. Бунга айрим ота-оналарнинг ўзларининг ахлоқсизлиги, оилавий муҳитнинг носоғломлиги, иқтисодий-ижтимоий муаммолар, ажримлар, ёмон ҳулқи шахслар билан алоқада бўлиш, тайинли фойдали иш билан шуғулланмаслик, катта ёшли жиноятчиларнинг даъвати, турли фильм-

олиб боришса, ўзимни ўлдиришимни айтдим. Шундан кейин 40 дан зиёд тендошларим катори мени мана шу мактаб-интернатга олиб келишди. Бу ерда билим олиш имконига эга бўлдим ҳамда талай дўстлар орттирдим.

Аброр гапини тугатиб, чуқур ўйга толди. Қайтаётганимда эса мендан «Эртага ҳам келасизми?», деб сўради.

Бу каби мисоллар муаммо болаларда эмас, катталарда экинчи англади.


– Бола энг яхши кўрайдиган инсон бу унинг отаси, – дейди Урганчдаги 6-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори ўринбосари, психолог Сарвар Пирхонор. – Отаси, бобо-ю бувиси ёки бошқа биров то-

сифатида қараш шарт. Биз эса кўпинча буни унутиб қўямиз. Масалан, йўл бўйида сигарета чекиб турган ўспириннинг ёнидан индамай ўтиб кетамиз. Наридан, ҳаёлимиздан «У кашандага айланганини ота-ониси билармикин?» деган фикрни ўтказамиз. Лекин юришдан тўхтаб, унга бирров танбех беришни, насиҳат қилишни ўзимизга эп кўрмаймиз.

Болалар танқидий таҳлил қилишни билмайди, кўрган-эшитган нарсасини тўғри деб қабул қилади. Ёшларнинг тамаки чекишга, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга қизиқиши катталарнинг сабаби ҳам шунда. Улар алдашни, фириб беришни, зуғум қилишни ҳам катталардан ўрганишади.

Албатта, ҳеч ким фарзанди жиноятчи бўлишини истамайди. Шундай экан, унинг учун сабаб ва шарт-шароит яратиб бермаслик керак. Бунда вояга етмаганларнинг қизиқишларини сўраш ва ривожлантиришга кўмаклашиши муҳим. Руҳшунсолар болаларга тақийқ қўймаслик кераклигини, улар айнан тақийқланган ҳаракатни содир қилишга ўқ бўлишни ўқитишга, ўз навбатида, назоратни ҳам сўсайтирмаслик зарур. Айниқса, фарзанднинг дўстлари кимлигига ҳам қизиқиш, уларни уйга тақийқ қилиб, суҳбатлашиш яхши самара беради.

Табиийки, болалар тарбиясида ота-оналар уларнинг олдига ўзларини муносиб тутишлари ҳам катта аҳамиятга эга. Қолаверса, ёшларга вақтни қадрлашни, унинг ҳар дақиқасидан унулли фойдаланишни ўргатиш даркор. Таассуфки, охириги пайтларда бизда болалар билан гаплашиш кўникмаси йўқолиб борапти. Бировимиз ишимиз кўпчилигини



лардан таъсирланиш, ҳаётдаги омадсизлик, руҳиятдаги ўзгаришлар сабаб бўлган.

Энг ёмони, ушбу омилар болаларни нафақат жиноятга, балки ўз жонига суиқасд қилишга ҳам ундамоқда. Суиқасд эса ўсмирнинг атрофдагилардан норозилигини намойиш этишга, яқинлари эътиборини ўзига жалб этиб, уларнинг меҳрини қозонишга уриниши демакдир. Бироқ, минг афсуски, бундай қалтис усулни қўллаш билан у ҳар доим ҳам ниятига эриша олмаслигини билмайди. Қутилмаган исён натижасида ҳаётдан эрта кўз юмиши ёки умрбод майиб-мажруҳ бўлиб қолиши мумкинлигини тушунмайди.

Бола чорасиз вазиятга тушиб қолмаслиги учун доимий равишда катталарнинг диққат марказида бўлиши лозим. Албатта, уни назорат қилиш деганда, фақат қаттиққўлликни тушунилмаслик зарур. Асосийси, ёшларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларга меҳр кўрсатиш, хато-камчиликларини ўз вақтида ва дилига озор бермасдан бартароф қилиш лозим.

Маълум бўлишича, бултур Хоразм вилояти ички ишлар органлари таянч пунктларига 4200 нафардан зиёд ўсмир олиб келинган. Бу далил шунча бола ё кимлардангидир азият чекканини, ёки кимларгадир зарар етказганини англатади.

Шунингдек, 540 нафардан зиёд бола вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиб, барчасининг тарбияси ва саломатлиги назоратга олинган. Улардан бири бўлмиш Аброр (исми ўзгартрилган) ҳозир ихтисослаштирилган мактаб-интернатда таълим-тарбия олмақда. Бизга айтишича, онаси эри билан ажрашгандан сўнг уни 8 ёшида бериб қўйиб олиб кетган. Аброр шундан кейин рўй берган воқеаларни йўғлаб сўзлаб берди:

– Ўғайлар (у васийларини шундай атади) мени бола ўрнида кўрмас, аксинча, хизматкор деб билишарди. Уй ишларининг ҳаммасини бажарардим. Эвазига деярли ҳар кунни калтак ердим. Гоҳида мени мактабга юборишмас, тенкурларим билан ўйнашимга рухсат ҳам беришмасди. Шу боис дўстларим йўқ ҳисоби эди. Оқибатда ҳайвонларга меҳр қўйдим. Кўчадан дайди ит-мушукларни олиб келардим. Ўғайлар эса уларни ташқарига қувиб, мени калтаклашарди. Оила бошлиғи пианиста эди. Мен сал катта бўлгач, ҳар кунни унинг ароғидан ўғирлаб ичадиган бўлдим. Охири хурлашларга чидай олмай, ўтган йили уйдан қочиб кетдим. Кўча-кўйда сангив юрган кунларимнинг бирида ички ишлар ходими мени ушлаб олиб, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришди. Икки-уч кундан сўнг ўғайларниқолиб олиб боришди. Яна қочдим. Тагин топиб, марказга келтиришди. Агар бу сафар ҳам уларниқолиб

монидан онасига зўравонлик қилинса ва таъийқ ўтказилса, боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, атрофдагиларга нисбатан агрессив кайфият пайдо қилади. Масалга шу жиҳатдан ёндашганда, бизда болага салбий таъсир кўрсатадиган оdatлар бисёр. «Отанинг уруғи», «Онанинг уруғи», деб қариндошларини ёмонлаш, эр-хотиннинг ўзаро жанжаллари...

Бундай муҳитда ўсган бола бошқалар эътиборини ўзига жалб қилиш, истаган нарсасига эришиш, норозилигини билдириш учун кимнидир калтаклайди, кимнидир бирор нарсасини ўғирлайди, кимнидир алдайди. Ўзига кўрсатилмаётган меҳрини қалбдан ҳис этган бола эса ҳеч қачон ёмон ишга қўл урмайди, жиноят қилмайди.

Дарҳақиқат, боланинг ҳаётга қарашлари оилада шаклланади. Улуқсиз давом этадиган жанжаллар эса унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Бора-бора у атрофдагиларга, жумладан, ота-онасига нисбатан ҳам бемеҳр бўлиб қолади, орадан йиллар ўтиб, ўзи ота-она бўлганда фарзанди қандай тарбия бериши билолмай, боши қотади, охири эски хатоларни такрорлайди.

Бугун кўпчиликда эгоизим кучайган. Дунё менинг атрофимда айланиши керак деган қараш оқибатида яқинларига озор етказиб, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳаётини издан чиқараётганлар оз эмас. Уч-тўрт фарзанди бўла туриб, турмуш ўртоғи билан ажрашаётган эркакни ёки аёлни боласини яхши кўради, унга гамжўр-меҳрибон деб айта олмасми? Арзиманган сабаблар билан келини уйдан ҳайдаб чиқараётган қайнота-ю қайноналар ўз қилмишлари туфайли невараларини тирик етим қилиб қўяётганини, уларнинг қалбида ўзларига нисбатан нафрат уйғотаётганини уйлашадими? Рўзгор кемтигини баҳона қилиб (ҳудди ажрим уларни бадавлат қилиб қўядигандек), оиласидан воз кечаётган аёллар-чи? Алимент пулларини фарзандлари қилиб, ўз нафсини қондириш йўлида сарфлаётган айрим оналар-чи? Уртасарсон болалар бундай кишилардан қандай тарбия ва қандай ибрат олади?

Хуллас, сабаблар ҳам, саволлар ҳам кўп. Фарзанди ўқийдиган мактаб остонасидан бирон марта ҳатламаган ота-оналар ҳам бор. Улар боласи ноҳўя иш қилса, «Ўқитувчиларга давлат нега ойлик тўлапти?» деб аюханнос солишади. Ҳаётдан аламзада ота-оналарнинг айримлари эса ўғил-қизларини калтаклаб, хумордан чиқишади. Буларнинг ҳаммаси ўсмир-ёшлар тақдирида турли-туман муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Инсон жамиятнинг бир бўлаги саналади. Шу боис унинг тақдирини фақат оила билан боғлаш ноҳоиз. Айниқса, тарбия масаласига умумжамият иши, миллатнинг бурчи

баҳона қиламиз. Бошқа биримиз телевизиорда бемаза сериалини томоша қилишимизга ҳалақит бермаслиги учун боламизни кўчага чиқариб юборамиз. Савол берса, аниқ-лўнда жавоб қайтаришдан кўра, жержиб ташлашни афзал кўрамиз. Дилбандларимизнинг келгуси тақдирини ҳал қилишда ҳам ўз қизиқишларимизга устулик берамиз. Адабиётни яхши кўрайдиган болалар математикани ўқилиши талаб қиламиз. Хунарманд бўлишни истаганини шифокор бўлишга мажбурлаймиз.

Булур ҳам аслида навқирон авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи иллатлардир. Агар биз улардан воз кечсак, болаларимизга аждодларимизни ва эришган ютуқларини эъзозлашни, ҳалол, тўғрисиўз ва ўзаро меҳр-оқибатли бўлишни ўргатсак, одамларга яхшилик қилишнинг аҳамиятини, билим олиш ва касб-хунар ўрганишнинг фойдасини бафуржа тушунтирсак, одоб-ахлоқига ижобий таъсир ўтказган бўлардик. Лекин ҳозир мактабларда ва маҳаллаларда кўпинча номинганга ўтказилаётган тадбирлар, уларда билдирилаётган баландпарвоз фикрлар билан баркамол авлодни тарбиялай олмаймиз. Бундай давра суҳбатлари, учрашувлар ва мажлисларни кўпроқ ота-оналар учун ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, шунда айрим оқайд ота-оналар фарзандларини олдидаги бурчи ва масъулиятини теран тушуниб, тарбия усуллари ҳақида муҳим тушунчаларга эга бўлишар.

Ҳозир олий ўқув юртлирида тюттерлик фаолияти йўлга қўйилган, мактаб-интернатларда тарбиячи лавозимлари жорий этилган. Бу яхши самара берапти. Шундай экан, мактабларда ҳам тарбиячи лавозимларини жорий этиш фойдадан холи бўлмайди. Улар ўқувчиларни дарсдан кейин турли тўғрақлар ва машғулотларга йўналтирсалар, концертларга ва театрларга олиб борсалар, келажак авлоднинг дунёқарашини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўишлари тайин. Зеро, фақат «Тарбия» фанини ўқитиш билан бола одоб-ахлоқли бўлиб қолмайди. Қолаверса, кўпчилик ота-оналар иш билан банд, ишсизларининг айримлари эса фарзандларини тарбиялаш тажрибасига эга эмас.

Сирасини айтганда, келажакимиз ворислар тақдирига зинҳор-базинҳор бепарво бўлмаслигимиз керак. Билъакс, муҳим уларнинг соғлиғи, оқватланиши, кийиниши, юриш-туриши, муомаласи, орзу-уйларини билан қизиқиб, жамиятнинг бир бўлаги эканлигини чин дилдан ҳис этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берсак, адашганларини тўғри йўлга солиш чораларини кўрсатсак, улар биз истаган ва кутган инсонлар бўлиб вояга етдилар.



Мухаббат ТУРАБОЕВА,
«ISHONCH»



Суратда: Патила ая бир неча ўғиллари, келинлари ва набиралари даврасида.

Бор бўл, оқибат!

БАРДОШНИНГ БЕНАЗИР ИНЪОМЛАРИ

Ёхуд тўққиз келиннинг қайнонаси Патилахон Рўзиматова ҳаётига бир навар

Даврада бўйчан, қорамғиздан келган, кўлча юзли, нигоҳларида ажиб бир меҳр ва шижоат балқиб турган кекса аёл оилада аҳиллик ва тинчлик-хотиржамликни қарор топтиришдаги оналарнинг ўрни ҳақида сўз юритарди. У шу қадар топиб гапирардики, бирорта фикрига эътироз билдириб бўлмади.

Мен Кўштепа тумани «Қийқи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Наргизахон Мирзаевдан бу онахон кимлигини сўрадим.

– Патила ая маҳалламизнинг онахони, – деди у мамнун оҳангда. – Тўққиз нафар келин туширган, ҳаммаси ўзидан тинчиган. Биз бирор оилада мураса-ю мадора бузилиб, эр-хотин ёки қайнона-келин ўртасида низо пайдо бўлса, Патила аяга ўхшаган онахонлар мададига суянамиз. Уларнинг панд-насиҳатларига ва жўяли йўл-йўриқларига амал қилган ҳолда иш тутамиз. Пировадиди уришганларни ёки аразлашганларни яраштириб қўйиб, оилани бузилиб кетишдан, беғуноҳ норасидаларни етимликдан асраб қоламиз.

Бу гапни эшитгач, бизда онахоннинг уйига бориш, унинг фарзандлари ва келинлари билан суҳбатлашиш истаги пайдо бўлди.

Хонадонга борганимизда истиқболимизга истараси иссиққина Патила аянинг ўзи пешвоз чиқди. Хушмуомалалик билан ҳол-аҳвол сўрашгач, бизни ичкарига таклиф этди. Хали ўтириб улгурмасимизда ноқ хонага қўлида дастурхон билан кириб келиб саломлашган келинни таништирди: «Бу – Моҳичеҳра, кенжа келиним. Бешкапандан туширганмиз. Менинг таклифим билан Марғилондаги тиббиёт коллежига ўқишга кирган. Унинг умр йўлдоши – кенжам Ортиқали ҳам талаба, Наманганда архитекторликка ўқийпти».

Онахон гапини тугатар-тугатмас, хонага суқсурдай яна бир келин куюқ саломлашганча кириб келди. Патила ая уни ҳам бизга фахр билан таништирди: «Буниси тўнғичим – Гулсанам. Асли Фарғона шахридан. Ички ишлар тизимида ишлаб, пенсияга чиққандан кейин тадбиркорлик билан шуғулланаётган ўғлим Ҳомиджоннинг жуфти ҳалоли».

Бир оздан сўнг онахон иккимизнинг суҳбатимиз қизиқ кетди. – Мен кўшни маҳаллада туғилиб-ўсдим, – дея гапни олисдан бошлади хонадон соҳибаси. – Фарғона давлат университетини битириш арафасида синфдошимга турмушга чиқдим. Сўнгра мактабда тарих фанидан дарс бера бошладим. Шунинг баробарида Аллоҳим бирин-кетин фарзандлар ато этди.

Лекин мен декрет таътили тугаши биланоқ ишга чиқиб кетардим. Чунки қайнонам раҳматли бағрикенг аёл эдилар, эрта-ю кеч болаларим атрофида гиргиттон бўлардилар. Шу тариқа тўрт фарзандимни катта қилиб бердилар. Мен эса «Насиб этса, кейингиси қиз бўлар» деган илнжда яшаб, нақд тўққиз ўғилни бўлдим. Бироқ...

Гурунгимиз шу ерга келганида Патила ая чуқур хўрсиниб, бирдан маънос тортди. Анча сукут сақлагач, яна сўзида давом этди:

– Турмуш ўртоғим раҳматли ҳисобчи эдилар, бозор тизимида ишлардилар. Бўш вақтларида тор чалиб, ашула ҳам айтардилар. Аммо умрлари қисқа экан – 51 ёшида кўққисдан қазо қилдилар. Ўша кезлар эндигина тўнғич фарзандимизни уйлантиргандик. Ёстиқдошимнинг вафотидан сўнг саккиз нафар ўғилни тарбиялаб, балоғатга етказиш ва уйли-жойли қилишни ўйлаб, юрагимни ваҳима босди. Яхшиямки, мени аввало, Аллоҳнинг ўзи қўллаб-қувватлади, қолаверса, яқинларим ёлғизлаб қўйишмади. Уларнинг ёрдами билан тез орада ўзимни ўнглаб олдим. Болаларим ҳам одоб-ахлоқли, билимли ва бир-бирига меҳр-оқибатли инсонлар бўлиб вояга етдилар. Мен қирқ йилдан ортиқ маҳалламиздаги 11-мактабда ўқитувчилик қилдим.

Тўнғич ўғлимнинг касб-корини, кенжам эса талаба эканини боя айтдим. Ҳошимжон меъмор, Қажрамонжон машина устаси бўлиб етишди. Пахлавожон катта акиси изидан бориб, ички ишлар тизимида посбонлик қилди, ҳозир у ҳам тадбиркор. Комилжон ҳам шу соҳанинг этагидан тутди. Нодиржон туман архитектура бўлимида мутахассис. Маданият институтини битирган Шокиржон ўз мутахассислиги бўйича ишлаяпти. Ойбек ҳовлисида иссиқхона қуриб, деҳқончилик қилмоқда, шунингдек, чорва моллари парваршламоқда.

Яратганга беадад шуқур, ўғилларимнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топиб олди. «Супра қоқдим» Ортиқали ота ҳовлида чироғини ёқиб ўтирган бўлса, акалари уй-жой қилиб, кўчиб чиқишган. Ҳаммасининг кўша-қўша фарзандлари бор. Ҳомиджон эса аллақачон набира қўриб, бобо бўлган.

Онахон келинлари ҳақида ҳам оғзидан бол томиб гапирди. Уларни танлашда асосан икки ёшнинг кўнглига кўлоқ солиб, хато қилмаганидан яна бир бор хурсанд бўлди. Негаки, ҳозир Гулсанам ва Дилноза уй-рўзгор юмушлари билан банд. Гулнора ва Ҳавохон олий маълумотли ўқитувчи сифатида ёшларга таълим беришмоқда. Соҳиба мактаб директори ўринбосари вазифини бажармоқда, Наргиза Фарғонадаги онкология диспансерида шифокорлик қилмоқда, Зебо эса болалар боғчасида ишламоқда. Ёки айтайлик, Моҳичеҳра ҳамшираликка ўқиётган бўлса, Дилдорахон институтга ўқишга кириш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Хуллас, водийнинг тўққизта ҳудудида, тўққиз хил муҳитда вояга етган навиҳол қизлар битта оилага келин бўлиб тушди. Сўнгра шу ерга туп қўйиб, палак ёйди. Бу кунларга етгунча, ўғиллари ва келинлари орзу-ҳавасини, неваралари камолини кўргунча қандай машаққатларни бошидан кечиргани ёлғиз Патила аянинг ўзига-ю Худоба аён.

Патила ая, унинг даврада ҳозир бўлган уч ўғли ва беш келини билан суҳбатлашиб ортага қайтарканман, ҳатто биргина келини билан чиқиша олмайдиган, кунда-кунора жанжал ва муаммо чиқарадиган қайноналар ҳаёлимдан ўтди. Ганимат умрини ғурбатлар гирдобидида ўтказётгани учун уларга ачиниб кетдим. Ўз навбатида, Патила аянинг «Турмушни аччиқ қиладиган ҳам, ширин қиладиган ҳам тилимиз, ўз феъл-атворимиз. Тили ширин, феълни кенг қилсақ, олам гулистон! Ахир, атиги бир мартагина бериладиган умрни яхшиликлар ва савобли ишлар билан безай олмасак, инсонийлигимиз қаерда қолади?» деган гапларини барчага эслатгим келди.

Зуваласи сабр-тоқатга қоришиб кетган кенг феъллиликнинг самараси эса маълум: у аҳил оила, бир-биридан ширин набиралар ва эл-юрт эъзозидан иборат бўлади.

Бардошнинг беназир инъомлари меҳр-муҳаббатга ошно бўлиб, бахт-саодатларга буркановерсин, мўътабар ОНАлар!

Ҳадичахон КАРИМОВА

Туйғу

Отажон, бугун яна қабрингиз бошига келдим. Чунки дардларга кўмилиб кетдим. Уларни бегона тугул, ҳатто онажонимга ҳам айтмайман. Болалигимда «Кел, қизим, ўзим дардингни олай...» дердингиз.

Соғинсам отажонимни излайин қаерлардан...

Отажон, мен энди анча улғайдим. Ўзим ҳам онаман. Ўғлимнинг буй-бастини кўриб, сизни кўргандек бўлман. У кўйиб-кўйгандек сизга ўхшайди. Эҳтимол, сизни шунчалар яхши кўрганим учун ўғлимни ўхшатарман. Янаям билмадим...

Ҳар баҳор қабрингиз устида чўғдек лолақизғалдоқлар очилади. Бир пайтлар далага борганимизда эринмасдан менга лолақизғалдоқлар, сап-сарқ бўлиб очилиб ётган қоқўйлар териб берар, сочамбар тўқиб, бошимга тақиб қўяр эдингиз.

Отажон, сизсиз яшаш қанчалик азоб эканини улғайганим сари билиб боравердим. Болалигимда айрим қизлар мени «сағирсан» дея ўйинга қўшмаганида ўқиб йўлланганман. Мактабга чиққанимда ҳам айрим ўқитувчилар ўқувчиларни ота-онасининг иш жойига, мансабига, лавозимига қараб баҳо қўйишганида қаттиқ ўқингандим. Тезроқ катта бўлишни орзу қилардим. Гўёки катта бўлсам, бундай кўнгли оғриқлари бўлмайдигандек.

Афсуски, янглишибман. Отасизлик мени яна таъқиб қилаверди. Кўпчилик паст назар билан қаради. Шундай пайтларда сиздек суяничимдан айрилиб қолганимга чидай олмайман. Дод, деб юборгим келади...

Отажон, сизни соғиндим. «Менинг онашим қани?» дея ҳовлимизга кириб келишингизни, мени кўтариб олиб, эркалатишларингизни жудаям соғиндим.

Атрофга назар солсам, отаси борлар бой экан, отаси йўқлар эса...

Ҳар гал ҳофизларнинг ота ҳақидаги қўшиқларини эшитсам, қалбим ларзага келади. Кўз ёшларимни тия олмайман.

Отажон, сизни соғиндим. Айниқса, мусофир шаҳарнинг бағридош одамларини кўрганимда, етимлар ҳақида хиёнат қилишганида сиз кўз олдимга келасиз.

Эҳ, отажон! Ахир машина олиб, мени «катайса» қилдиранман дегандингиз-ку. Ҳатто ёзувчи бўлишимни, ёзган китобларим қишлоқда талаш бўлиб кетишини айтиб, мени қувонтирар эдингиз-ку!

Туш кўраман. Тушимда менга ҳечам яқин келмайсиз. Саволларимга ҳам жавоб бермайсиз, жилмайиб тураверасиз. Нега?..

Отажон, мен сиз айтгандек журналист ҳам бўлдим. Акаларим, опаларим ва синглим ҳам ўқиб, маълум касб эгалари бўлишди. Укам эса... сизнинг ёнингизга келди.

Баҳор келди. Ҳаммаёқ яшилликка бурканди. Сиз экиб кетган ўриклар оппоқ бўлиб гуллади. Сиз яратган боғга салом берман. Улар билан шивирлашман. Шунда сизнинг ҳам нафасингизни ҳис қилгандек бўлман.

Отажон, сизни соғиндим...



Хонбиби ҲИММАТ қизи, журналист

Садақайрағоч кўчатининг камсув ерда кўкариб кетишини яхши биладиган Абдурахмон ота ниҳол дастлабки йилларда тутиб кетиши учун сувга яқин бўлиши кераклигини ҳисоблаб олиб, Мўйноқдаги ўлкашунослик ва Орол денгизи музейи олдига эка бошлади. Бу ишга умр йўлдоши Ҳамидахон ая ҳам қўшилди.



Нуронийнинг нурли сафари

Теварақ-атрофда ҳеч бир одам йўқ. Улар меҳнат қилаётганини кўрган башанг кийинган кишилардан бири деди:

– Ассалому алайкум, ҳорманг! – Ваалайкум ассалом, бор бўлинг!

Олис Андижон вилоятининг Избоскан туманидан келиб, чўл бағрига кўчат экётган нуроний Абдурахмон Солиев билан Мўйноқ тумани ҳокими Ерполат Еденбоевнинг суҳбати узоқ давом этди.

Абдурахмон ота, мана, бир неча ўн йилдирки, Орол муаммосини ўзининг ташвишдек қабул қилади. Оролни куткариш халқаро жамғармаси ва ушбу ташкилотнинг Нукус филиалига йўллаган таклифлари бир неча бор ўрганиб чиқилган. Кейинчалик «Андижон – Қўнғирот» поезди орқали қорақалпоқ танишларига сувсизликка чидамли дарахт кўчатларини бериб юборишга одатланди.

Бу йил эса, белни маҳкам боғлаб, турмуш ўртоғи Ҳамидахон опа билан «Қайдасан, Орол?», дея йўлга отланди. Мақсад – Оролни ўз кўзлари билан кўриб, кўрғоқчиликка чидамли ниҳоллар экиб, саҳро бағрини боғ қилиш эди. Оролга

Орамиздаги одамлар

150 туп гилос, 100 тупга яқин бодом ўтган йилдан ҳосилга кирди. Лекин миришкор боғбон ҳали бирон килограмм ҳосилни сотгани йўқ. Ҳаммасини темирйўл қурувчиларига, катта автомобиль йўли ишчиларига, улардан ортганини маҳалласига улашди. Гилослар пишди дегунча Ҳамидахон ая маҳалла аёлларига мурabbo учун керагича териб олишни таклиф этди.

– Боғни ҳосилини кўпчиликка эҳсон қиламан, деган ниётда яратганман, – дейди Абдурахмон ота.

Агар шу кунларда Андижон – Наманган темир йўли бўйидаги боғда Абдурахмон отага кўзингиз тушса, унинг ҳар бир ниҳолга меҳр бериб ишлаётганига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Отахоннинг ҳаёт фалсафаси – фурсат фанимат, умрининг ҳар бир дақиқасини эзгу ишларга сарфлаш, кўчат экиб, боғ яратишдан иборат.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»



БОЛАЖОН ИЗҲОРИ

Муборак туманидаги 5-сонли мактаб-гача таълим ташкилотиде «Жаннатим онам» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда болажонлар ўзлари ёдлаган шеър, қўшиқ ва рақслари билан меҳмонларни, жумладан, масканга ташир буюр-

ган онажонларини хушнуд айлади. Тадбирдаги баҳорий кайфият дилларга кўчди.

Нафиса МАЛИКОВА, Муборак туманидаги 5-сонли ДМТТ тарбиячиси

Эълонлар

Чиноз туманидаги 24-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2017 йилда Шўхратов Аввезжон Дилшод ўғли номига берилган U №8020917 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Чиноз туманидаги 14-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1997 йилда Таскаев Марат Досаевич номига берилган O'R-B №013708 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.



ISSN 2010-5008 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулло ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридан ШУКУРОВ (Маъсул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги англиклар, тақлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: А. Абдурахмонов

Мусаҳҳиж: Д. Худойберганова

Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:30 Топширилди – 01:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджетта V-5096 34351 нўсрада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмажонасида chop этилди.

Қорхона манзили:

Алишер Навоий кўчаси 30-уй. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130